2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

33 (635)

2008 йил 13 август

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Йодланган туз — танага қувват

▶ Хайрли юмушларда ҳиссамиз бўлсин!

3 ▶ Кинони аввал эксперт кўрсин!

▶ Меҳнат-роҳатда 1000 туп пальма унди!

4 ▶ Ошхўрликка нега бунча ошиқасиз?

▶ "Риосакраменто" — Умиднинг учқур тулпори

Фарғона вилояти



ТОҒЛИ ЁРДОН ГЎЗАЛ ВА ОБОД

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

Чор атрофи тоғлар билан ўралган Шоҳимардон қишлоқ фуқаролар йиғинининг Ёрдон қишлоғи мустақиллик йилларида обод ва гўзал гўшага айланди. Аввалги пастқам уйлар ўрнида замонавий ва чиройли ҳовли-жойлар бунёд этилди. Тадбиркор Қодиржон Муллажонов қурган меҳмонхона ва чойхонада бир кеча-кундузда юз нафар меҳмонни кутиб олиш мумкин. Дугобасойнинг салқин қирғоғида жойлашган сўлим чойхонани меҳнат фахрийси Сайиджон Соқиев ўз жамғармаси ҳисобидан қуриб битказди. Бу ерда 200 дан ортиқ меҳмонларнинг ҳордиқ чиқариши учун барча шароит мавжуд.

Шунингдек, маҳалла фаоллари Ўлмас ота Болтаев ва Абдулла ота Сўфиевнинг ташаббуси билан Ёрдонга сув олиб келинган қадимий ариқ тикланди. Икки километрлик мазкур ариқнинг салкам саккиз юз метрига темир қувурлар ётқизилди. Мана, икки-уч йилдирки, қишлоқ аҳли илгарилари сувсиз қақраб ётган эллик гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйдилар.

— Маҳалла йигит-қизлари учун «Ёшлар маркази» бунёд этилиши режалаштирилмоқда. Тадбиркорларимиз ушбу хайрли ишларга бош-қош, — дейди маҳалла оқсоқоли Абдусалом Ҳолматов.

Шухрат ОЛИМОВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

СУРАТЛАРДА: *ҳамшира Барчиной Рўзиметова;*

2,5 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пункти кўриниши.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ТОШКЕНТ — ҒУРУРИМИЗ РАМЗИ

Қадимдан илм-фан ва маданият маркази бўлган, тинчлик ва дўстлик шаҳри номини олган Тошкент мустақиллик йилларида тобора чирой очиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари азим пойтахтимизга янада кўрк ва тароват бахш этмоқда.

Истиқлол байрами арафасида «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари Сурхондарё вилояти бўлимлари ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар Тошкент шаҳрида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, майдон ва хиёбонларини зиёрат қилдилар.

— 2200 йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган қадимий ва навқирон шаҳарнинг равон, кенг йўллари, кўприклари, бир-бирига ўхшамайдиган замонавий бинолари, тарихий обидаларини кўриб, ҳайратга тушдик, — дейди термизлик Орзиқул Соатов. — Мустақиллик ва эзгулик монументи, Шаҳидлар хотираси майдони, Мотамсаро она ҳайкали, Ҳазрати Имом мажмуаси ва бошқа гўзал масқанлар, яшилликка бурканган хиёбонларни кўздан кечирарканмиз, осуда ва озод юртдагина мана шундай бунёдкорлик ишлари, бетимсол ўзгаришлар юз беришига яна бир карра амин бўлдик. Қалбимиздаги фахр-ифтихор ҳисси янада ортди.

— Эллик йил мактабда ёшларга сабоқ бердим, — дейди қумқўрғонлик Усмон Суюнов. — Талабалик йилларим пойтахтда ўтган. Эски шаҳарнинг тор кўчалари, пастқам уйлар, қаровсиз обидалар... У пайтлардаги Тошкент билан бугунги Тошкент ер билан осмонча фарқ қилади. Мустақиллик йилларида Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарганига гувоҳ бўлдик. Бир-биридан муҳташам, замонавий таълим муассасалари ёшларимиз иқболини намоён этиб турибди. Пойтахтимиз – бизнинг фахримиз, ғуруримиз рамзидир.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Андижон вилояти

Раёсат йиғилишида

МУҲОКАМАДА – ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг ярим йиллик фаолияти якунлари ва "Ёшлар йили" Давлат дастурининг вилоятдаги ижроси муҳокамасига бағишланган навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жамғарманинг вилоят бўлими ҳамда жойлардаги бўлинмалари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида бажарилган ишлар сарҳисоби муҳокама қилиниб, эришилган ютуқ ва камчиликлар эътироф этилди.

— Жорий йилда вилоятдаги эҳтиёжманд оилаларнинг мурожаатлари асосида уларга жами 6 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи Иззатулла Хўжаев. — Бундан ташқари, 938 минг сўмлик маҳсулотлар эҳтиёжманд фуқароларга бепул тарқатилди. 250 та ёш оилага эса қорамол сотиб олиб, турмуш шароитини яхшилаши учун 318,9 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Вилоятда амалга оширилаётган хайрли ишлар кўламини яна кўплаб мисоллар билан тўлдириш мумкин. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида ҳудудда олиб борилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари эътиборга молик. Хусусан, Андижон шаҳрида барпо этилаётган "Ёшлар маркази"ни ушбу байрам арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Жаҳон андозаларига мос равишда бунёд этилаётган мазкур марказда ёшларнинг хорижий тиллар ва компьютер сабоқларини ўрганишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилади. Шунингдек, вилоят марказида ёш оилалар учун 32 хонадондан иборат турар-жой биноси ҳамда "Болалар шаҳарчаси" бунёд этилмоқда.

Шунингдек, раёсат йиғилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда тизим фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

ЯНГИ СПОРТ МАСКАНЛАРИ

Тошлоқ туманидаги 27-умумтаълим мактаби ҳудудида янги замонавий спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қурилган мазкур мажмуада ўқувчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда қишлоқ ёшлари спортнинг 12 тури билан мунтазам шуғулланиши мумкин.

— Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида Охунбобоев, Тошлоқ, Ўзбекистон, Фурқат, Олтиариқ, Риштон туманлари ва Қўқон шаҳридаги тўққизта мактабда янги спорт масканлари бунёд этилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими бош мутахассиси Мадаминжон Мирзабадалов. — Бунинг учун жамғарма томонидан 1 миллиард 224 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ушбу спорт иншоотлари энг замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

"Пекин — 2008"

Мамлакатимиз боксчилари Хитой пойтахтида давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Тўртинчи кунги беллашувларда икки ҳамюртимиз кейинги босқичга ўтди. 51 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Тўлашбой Дониёров Кения вакили Бернард Ирунгуни 10:1 ҳисобида доғда қолдирди.

— Ўзбекистон бокс бўйича дунёдаги энг кучли мамлакатлардан ҳисобланади, — дейди Б.Ирунгу. — Тўлашбой билан илгари ҳам рингда учрашганман. Бу гал у бутунлай янгича тактика қўллаб, юксак маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини намойиш қилди.

Бокс бўйича 54 килограмм вазн тоифасида дастлабки жангини ўтказган 19 ёшли ҳамюртимиз Хуршид Тожибоев ўзидан ўн тўрт ёш катта — Германия спортчилари сафида тушган Рустамхўжа Раҳимовни енгди. Афина Олимпиадаси совриндори бўлган германиялик боксчи Хуршиднинг тезкор ҳамда кучли зарбаларига дош беролмади ва 2:11 ҳисобида мағлуб бўлди.

— Ўзбекистон спорт делегацияси таркибида ёш спортчиларнинг кўплиги юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан улкан эътибор қаратилаётганининг самарасидир, — дейди Хуршид Тожибоев. — Халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш фарзандлик бурчимиздир. Юртбошимиз ва халқимиз бизни қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилиб турибмиз.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

Пекин

Ер эгаси ютуғи

Жиззах вилояти

МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА МАСЪУЛИЯТИ

«Эшниёз бобо» фермер хўжалиги нафақат Дўстлик туманида, балки вилоятда ҳам илғор хўжаликлар қаторида туради. Ушбу хўжалик ғаллачилик ва пахтачиликка ихтисослашган бўлса-да, кейинги йилларда чорвачиликдан ҳам яхшигина даромад олиняпти.

Фермер хўжалиги жорий йилда 116 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини 1,5 ҳисса қилиб бажарди.

— Деҳқончиликда таваккалчилик билан иш юритиб бўлмайди. Пахтадан юқори ҳосил олиш учун эса қуёшли кунларнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат, — дейди фермер хўжалиги раиси Муртоз Бўтаев. — Айниқса, август ойи деҳқон учун энг масъулиятли палла ҳисобланади. Бу йил 130 гектар ерга «Ан—Боёвут» навли чигит экканмиз. Хўжалигимизнинг саксон нафар ишчи ва хизматчиси айни пайтда пахтадан юқори ҳосил олиш учун баҳамжиҳат меҳнат қилмоқда.

Чўл шароитида яшаб, деҳқончилик қилиш осон иш эмас. Баҳор мавсумида ёғингарчилик кам бўлгани туфайли жорий йилда кўп жойларда сув танқислиги сезилди. «Эшниёз бобо» фермер хўжалигига қарашли пахта майдонларининг қиш чилласида яхоб сувига қондирилгани ўз самарасини берди — чигит ердаги намлик ҳисобига бехато ундириб олиниб, суғоришга эҳтиёж қолмади.

Механизаторлар Абдурасул Одилов, Абдумутал Ҳайдаров ҳамда жамоа аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан пахта далаларига саккиз марта ишлов берилди. Суғориш ишлари ўз вақтида олиб борилиб, ҳашаротларга қарши биологик усуллар орқали курашилди. Айни пайтда ҳар туп гўзада ўртача 10-12 тадан кўсак борлиги ва бу кўрсаткич ой охирига қадар яна кўпайиши ҳисобга олинса, фермер хўжалигининг пахтачиликдан ҳам мўл ҳосил олишига тўла асос борлиги аён бўлади. Пахтакорлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиб, йилни 65 миллион сўм соф фойда билан якунлашни кўзлаб турибдилар. Мустақиллик байрамидан сўнг теримга киришишни режалаштираётган хўжалик аъзолари мавсумга пухта ҳозирлик кўришди. Айни пайтда йиғим-терим учун зарур техника воситалари шай ҳолатга келтирилган.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Жорий йилнинг 16-17 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади

Савоб ишга дохил бўлиб яшайлик!

Халқимизда инсонларни эзгуликка чорловчи анъаналар бисёр. Хусусан, умумхалқ ҳашарлари чоғида белга белбоғини маҳкам боғлаб, маҳалладошларига ёрдамга келган пиру бадавлат отахонларимизнинг кўрсатган ўрнаги азалдан ёшларимизга ҳам ибрат, ҳам намуна бўлиб келган. Қолаверса, бу сингари тадбирларда ёшлар кўпнинг кучи, ташаббуси билан бажарилган ишлар самарасини ўз кўзлари билан кўриб, ҳашар анъанасининг асл моҳиятини, аҳамиятини қалбан ҳис этишлари аниқ.

Ҳа, ҳашар асрлар давомида инсонларни бирдамлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик асосида хайрли ишларга чорловчи миллий қадрият сифатида эътироф этиб келинади. Дарҳақиқат, ҳашар хонадонимиз, маҳалламиз, юртимизни обод, кўркам, сариштa қилишга сабаб бўладиган меҳнат ва саховат тадбиридир. Зеро, хайрли мақсадлар йўлида кўп қатори эзгу юмушларга бел боғлаб, юртимиз ободлиги, кўркамлигини таъминлашга баҳолиқудрат ҳисса қўшишнинг ҳам ўзгача гашти бор. Бундай дамларда инсон энг аввало аждодларимиздан қолган ушбу хайрли анъананинг бардавомлигига улушини қўшаётганидан, юртни обод, халқ турмушини фаровон этишда ўзининг ҳам муносиб ўрни борлигидан фахрланиб кетади. Айниқса, бугунги дориломон кунларда ҳар бир эзгу ҳаракатимизнинг меваси ўзимизники, ҳар бир қилган хайрли ишимиз натижаси ўзимиз учун! Қолаверса, аждодларимиз ардоқлаб келган ушбу анъанавий тадбирда иштирок этган инсон руҳиятида уйғонган кўтаринки кайфият юракдан юракка кўчиб, бунёдкорлик ва яратувчанлик кучига айланади. Натижада нафақат мамлакатимиз гўшалари, балки дилларимиз ҳам нурга тўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

— Яна нима дейсиз?

— Ҳашарда ўзимиз бош бўламиз-да...

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Жорий йилнинг 16-17 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади

Савоб ишга дохил бўлиб яшайлик!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Албатта, жойларда юртимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрамига ҳозирлик ишлари аллақачон бошланиб кетган. Жумладан, маҳаллаларимиз ҳудудларида ободонлаштириш юмушлари қизғин давом этмоқда. Бундай паллаларда бошланган ташаббусларимиз, аввало, маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча, сўнгра туман, шаҳар ва вилоят, ниҳоят, юрт миқёсидаги тадбирларга — умумхалқ ҳашарига айланади.

Ана шулар эътиборга олиниб, "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойиши асосида жорий йилнинг 16-17 август кунларида юртимиз бўйлаб умумхалқ ҳашари ўтказилиши белгиланди.

Бу галги икки кунлик ҳашар давомида ҳам турар-жой мавзелари, маҳаллалардаги дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, чиқиндиларни белгиланган жойларга чиқариб ташлаш, кўпқаватли бинолар, ҳовлилар атрофи, гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ҳамда қабристонларни, ариқ ва оқава сув тизимини, қудуқларни тозалаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар ва оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш ишларини бажариш кўзда тутилган. Демакки, қалбига эзгу мақсадларни тугиб, мамлакатимиз фаровонлиги, кўчаларимиз ободлигига ҳисса қўшиш мақсадида енг шимариб, эрта тонгдан ҳашарга чиққан юртдошларимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади.

Қадрли маҳалладошлар! Ҳашар тадбирларида иштирок этиб, юрт ободлиги, эл фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек, кўчамиздаги бир туп дарахтни оқласак, уйимизнинг деворидаги сувоғи кўчган жойини тузатиб, йўл бўйида ётган бир парча қоғозни олиб махсус ажратилган жойга ташласак ҳам, умумхалқ юмушига ҳисса қўшган бўламиз.

Қолаверса, умумхалқ ҳашари, дегани фақат жисмоний меҳнат қилиш эмас, ногирон, боқувчисини йўқотган, қария ва касалманд инсонларни йўқлаш ҳам деганидир. Бетоб маҳалладошимиз, қарияларимиз, қариндош-уруғларимизнинг ҳолидан хабар олиб, меҳр-мурувват кўрсатсак, уларнинг кўнглига нур иниб, қалби шукуҳга тўлиши табиий.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги фармойиш асосида ҳашар муносабати билан юртимизда фаолият олиб бораётган вазирлик ва идоралар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-ходимларининг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлар "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими бошқарувларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Хайрия тадбиридан тушган маблағлар аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, шу жумладан, кўп болали ва кам таъминланган ёш оилалар, ногирон ҳамда ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ҳамда жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, "Ёшлар йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш, "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш ҳамда бошқа хайрли юмушларга сарфланади.

Халқимизнинг асрий қадриятларидан бири бўлган ҳашарда ўз бурчимизни бажаришга, барча қатори халқ юмушига бош қўшиб, бу тадбирни кўнгилдагидек ўтказишга ошиқайлик, азиз юртдошлар. Зеро, умумхалқ юмуши бизнинг юмушимиз, умумхалқ манфаати бизнинг манфаатимиз, демакдир. Шундай экан, савобли ишларга дахлдор бўлиб яшашдан бебаҳра қолмайлик!

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви

Истиқлол иншоотлари

Қорақалпоғистон Республикаси

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН КОЛЛЕЖЛАР

Нукус шаҳридаги 2-лицей Истиқлолнинг 17 йиллиги арафасида қурилиб, фойдаланишга топширилди. 630 нафар ўқувчига мўлжалланган 8 та мажмуадан иборат мазкур билим масканини «Қорақалпоққурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари салкам 10 ой давомида барпо этишди.

Бу ерда муҳташам ўқув корпуси, спорт ва мажлислар зали, ошхона, ишлаб чиқариш устахонаси, иссиқлик тармоқларини сифатли қилиб қуриб битказиш учун 1 миллиард 515 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳа, мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан жойларда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларини қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда мавжуд 78 та касб-ҳунар коллежлари қаторига яна 3 таси қўшилди. Энг аҳамиятлиси, бу билим ўчоқлари марказдан олисдаги ҳудудларда қад ростлади. Булар Устюртдаги Кимёгарлар шаҳарчаси ва Элободда жойлашган кимё-технология йўналишидаги, Беруний тумани Чорвадорлар овули ва «Қизил қалъа»даги иқтисодиёт йўналишидаги ҳамда Қўнғирот шаҳридаги нефт-газ технологияси йўналишига ихтисослашган коллежлардир.

Шунингдек, Оролбўйи овул ва шаҳарларидаги 754 та умумтаълим мактабининг 105 таси «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури»га биноан, капитал таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди.

Асил БЕК, «Mahalla» мухбири.

Наманган вилояти

Айни кунларда Поп туманининг Марғизор қишлоғида 855 нафар ўқувчига мўлжалланган коллеж барпо этилмоқда.

Мазкур коллеж фойдаланишга топширилгач, бу ерда ёшларга транспорт воситаларини таъмирлаш, энергетика, телекоммуникация, информатика ва ахборот технологиялари, почта хизмати йўналишлари бўйича касб-ҳунар ўргатилади.

Шунингдек, айни кунларда туманнинг Найман қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Чиғаноқ қишлоғида ҳам янги коллеж биноси қад ростламоқда. «Истиқлол» кўптармоқли хусусий фирмаси бунёдкорлари томонидан қурилаётган ушбу коллежда 645 нафар йигит-қиз педагогика йўналиши бўйича касб-ҳунар эгаллаш имкониятига эга бўлади.

Ҳар иккала коллеж бинолари мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

МУХБИРИМИЗ

Навоий вилояти

Янги завод ишга тушди

Конимех тумани марказида полипропилин қоп ишлаб чиқариш заводи ишга тушди.

Вилоятдаги «Қурилишсавдо» масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур заводда кунига 15-20 минг дона қоп тайёрланиб, «Навоийазот» очиқ акционерлик жамиятига етказиб берилади. Бу ерда 60 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Мутахассислар фикрича, завод тўла қувват билан ишлай бошлагач, бир кунда 25-30 минг дона қоп ишлаб чиқариш имкони юзага келади.

— Ўтган ойда 10 тонна полипропилин хомашёсидан сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шартнома тўлиқ бажарилди, — дейди завод раҳбари Комил Файзиев. — Мақсадимиз жорий йилда 100 тоннадан ортиқ полипропилин хомашёсини қайта ишлаш, келгуси йилдан яна элликдан зиёд янги иш жойи очишдан иборат.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси лойиҳаси Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ажратилган грантга сазовор бўлди.

ТРЕНИНГ-РЕСУРС МАРКАЗИ

Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси қошида тренинг-ресурс маркази ташкил этилиши кўзда тутилган. Марказда юқори малакали мутахассислар фаолият юритиб, ишга лаёқатли фуқаролар учун бепул, тадбиркорлар учун имтиёзли тарзда машғулотлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шунингдек, марказда тадбиркорлик асослари, компьютер саводхонлиги, офис жиҳозларидан фойдаланиш кўникмалари ҳамда бизнесда интернет-ресурсларини самарали қўллаш, инглиз тили ва «1С Бухгалтерия» бўйича ўқув курслари ташкил этилади. Янги марказ ишга туширилиши олдидан замонавий компьютер жиҳозлари, нусха кўчириш ва тасвирлаш техникаси, теле-видео мосламаси ҳамда зарурий адабиётлар билан таъминланади.

Умумий қиймати 8710 еврога тенг бу лойиҳани амалга ошириш учун Германия элчихонаси 6240 евро миқдорида беғараз ёрдам ажратди. Унинг қолган қисми савдо-саноат палатасининг маблағи ҳисобидан қопланади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Фарғона вилояти

Ёз – ўтмоқда сол

МАВСУМ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Қувасой шаҳрининг Қўчқорчи қишлоғида жойлашган «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Кимёгар» болалар оромгоҳи ёзги таътил мавсумида 515 нафар ўқувчини ўз қучоғига олди.

Айни пайтда оромгоҳда яна 249 нафар бола таътилни мароқли ўтказмоқда. Албатта, уларнинг мириқиб дам олишлари учун оромгоҳда барча шароитлар яратилган. Болажонлар спорт майдончаларида турли ўйинларни ўйнаб, кичик сув ҳавзаларида сузиб таналарини чиниқтирмоқдалар. Бундан ташқари, оромгоҳда кўплаб маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказиб турилади. Таътил мавсумини янада завқли ташкил этишда тарбиячилар Ё.Мўминова, Б.Холбоев; В.Хван, А.Соколова, О.Григорьева, Б.Сайдалиев ҳамда бошқа ходимларнинг хизматларини эътироф этиш жоиз.

Алижон МИРЗАБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

Андижон вилояти

"Шаҳрихонтуз"дан ЙОДЛАНГАН ТУЗ

Йодланган туз инсон саломатлиги учун ўта муҳим. Шу боис ҳам юртимизда аҳолининг йодли тузни етарли тарзда истеъмол қилиши бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бунда туз ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳам катта ўрни бор.

Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихонтуз» масъулияти чекланган жамияти айни кунларда ҳалқимизга сифатли йодланган туз етказиб бермоқда. Тадбиркор Тоҳир Аҳмедов ташкил этган мазкур жамиятда Ўзбекистон маҳалласи фуқаролар йиғинидаги 10 нафарга яқин маҳаллий ёшлар мунтазам иш билан таъминланган.

Жамиятда бир кеча-кундузда 7 тонна сифатли қадоқланган туз ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар нафақат Андижон вилояти, балки бутун Фарғона водийсида жуда харидоргир.

СУРАТДА: *(чапдан ўнгга) ишчилар Дилдора Бегматова ва Нилуфар Бўронбоева иш устида.*

Ш.ОЛИМОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

ИРОҚ:

Иордания қироли Абдаллоҳ II Ироққа ташриф буюриб, бош вазир Нури ал-Маликий билан учрашди, дея маълумот тарқатди France Presse агентлиги.

ҚИРОЛ ИРОҚҚА КЕЛДИ

Бу америкаликлар Ироққа бостириб киргандан буён араб мамлакати раҳбарининг илк ташрифи бўлди. Боғдодда ҳам Абдаллоҳнинг ташрифини Ироқнинг араб давлатлари билан дипломатик алоқаларни тиклаб олиши йўлидаги ижобий қадам бўлади, дея баҳоланмоқда.

Учрашув чоғида Абдаллоҳ II Ироқ бош вазири билан икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо алоқаларини тиклаш ва Ироқ нефтини Иорданияга сотиш масалаларини муҳокама қилишди.

ПОКИСТОН:

МУШАРРАФ ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШДАН БОШ ТОРТДИ

Покистон президенти Парвез Мушарраф мухолифатчиларнинг талабига қарамай, истеъфога чиқишдан бош тортди, дея хабар тарқатди AFP ахборот агентлиги.

Президентнинг матбуот котиби Рашид Куреширнинг сўзларига кўра, Мушаррафга мухолифатчилар томонидан қўйилаётган айблар ҳақиқатга тўғри келмайди, шу боис президентнинг истеъфога чиқишига ҳеч қандай асос йўқ.

Покистонда президентга импичмент эълон қилиш ҳақидаги хабар биринчи марта жорий йилнинг февралида, Миллий ассамблеянинг қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловларда президент партияси муваффақиятсизликка учрагач, тарқалган эди. Август ойининг бошларида яна шу масала кўтарилди. Бунга сабаб, Парвез Мушаррафнинг Пекиндаги «Олимпиада—2008» ўйинларига боришдан бош тортиб, ўз ўрнига мамлакат бош вазири Юсуф Разу Гиланийни юборганидир.

Импичмент жараёни бошланиши учун қуйи палата депутатларининг ярми мухолифатчиларни қўллаб-қувватлаб овоз берса кифоя. Мушаррафни эгаллаб турган лавозимидан четлатиш учун эса Миллий ассамблея ва Сенат аъзоларининг учдан икки қисми овоз бериши лозим бўлади.

МЕКСИКА:

ОДАМ ЎҒРИЛАРИГА ҚАРШИ МАХСУС ОТРЯД КУРАШАДИ

Мексика ҳукумати мамлакатда одам ўғриларига қарши курашувчи махсус отряд тузишга қарор қилди, дея хабар беради BBC News. Мазкур отряд 300 нафар жангчидан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг бешта ҳудудида ташкил этиладиган марказларда фаолият юритадилар.

Ҳукуматнинг бундай қарорга келишига сўнгги пайтда мамлакатда одам ўғирлаш жиноятининг авж олаётгани туфайли аҳоли ўртасида норозилик кайфияти кучайиб бораётгани сабаб бўлди. Айниқса, жорий йилнинг июнь ойида маҳаллий тадбиркорлардан бирининг 14 ёшли ўғли Фернандо Марти номаълум шахслар томонидан ўғирланиб, кейин ўлдириб юборилганидан сўнг халқ норозилиги янада кучайди.

Маълумотларга кўра, 2007 йилда Мексикада одам ўғирлаш жинояти содир этилган 430 дан ортиқ ҳолат қайд этилган бўлиб, бу 2006 йилги кўрсаткичга нисбатан 35 фоизга кўпдир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

ТЎҚТАҒУЛ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Кейинги вақтларда турли анжуман ва учрашувларда, шунингдек, кўпгина оммавий ахборот воситалари саҳифаларида Қозоғистон ва Ўрта Осиё мамлакатларининг манфаатларига дахлдор энергетика ва сув ресурслари тақчиллиги борасида юзага келган жиддий муаммолар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда, ушбу вазиятга сабаб бўлган омиллар, ундан чиқиш йўллари ва бундан келиб чиқадиган оқибатлар қизғин таҳлил қилинмоқда.

Бугун ушбу вазиятни юзага келтирган кўпгина сабабларни ошкора айтишга асослар етарли. Жумладан, ҳудудда йилма-йил такрорланаётган сув тақчиллиги, сув ресурсларидан мақсадли ва тежамкорлик билан фойдаланиш борасидаги муаммолар ва бошқа бир қанча омиллар мавжудки, уларнинг ҳар бири ўта жиддий ёндашувни талаб қилади.

Шу билан бирга биз вужудга келган вазиятдан чиқиш ва ҳудудда сув ресурслари йил сайин камайиб, сув тақчиллиги кучайиб бораётган шароитда сув захираларидан тўғри фойдаланиш хусусида сўзлар эканмиз, назаримизда, ушбу вазиятга Сирдарё дарёсининг юқори қисмида собиқ совет даврига хос зарбдор беш йилликларда қурилган, яъни 1968 йилдан бунёд этила бошлаган ва фақатгина 1987 йилнинг охирида тўлиқ ишга туширилган Тўқтағул гидроиншоотлари каскадининг бугунги ҳолати қандай таъсир кўрсатаётганига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Тўқтағул гидроузели таркибида умумий сиғими 19,5 млрд. куб метрли сув омбори, шунингдек, умумий қуввати 1200 МВТга тенг 4 та агрегатли ГЭС мавжуд.

Бу ўринда шуни эътиборга олиш лозимки, Норин — Сирдарё дарёлари каскадининг 1974-2007 йилларда қузатилган ўртача 12,3 млрд. куб метрли сиғимдаги деярли бир йиллик оқими тўлиғича Тўқтағул сув омборига йиғилади ва омбор лойиҳавий иш қувватининг бор-йўғи 70 фоизини таъминлайди, холос.

Соддароқ айтганда, трансчегаравий ҳисобланган Сирдарё дарёсининг ва Норин — Сирдарё дарёлари каскадининг бутун оқими аслида Тўқтағул гидроузелидан ўтади, яъни, оқимнинг қуйи йўлида жойлашган истеъмолчилар (Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон) учун сув тақсимлаш муддати, тартиби ва қўлами бутунлай Қирғизистон томонидан назорат қилинади.

Бундай вазиятда Тўқтағулдан оптимал режимда фойдаланиш, яъни энергетика ва сув таъминотига оид манфаатларни ҳисобга олган ҳолда омбордан сув чиқарилишини режалаштириш, экин парваришлаш даврида суғориш ишлари учун сувга катта эҳтиёж сезадиган ҳудуддаги барча мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Айнан вегетация даврида, яъни апрель-сентябрь ойларида ҳудудда яшовчи миллионлаб нафар аҳоли учун етиштириладиган ҳосилнинг тақдири ҳал бўлади.

Тўқтағул сув омбори тўлдирила бошланган ва вақтинча ишга туширилган 1974 йилдан бошлаб гидроузелда сув ресурсларидан фойдаланиш борасида йилма-йил қилинган атрофлича таҳлиллар қуйидагиларни кўрсатмоқда.

1991 йилгача кўп йиллар давомида Тўқтағул гидроузелидан сув чиқарилишининг ўртача мароми шундай бўлган: вегетация бўлмаган даврда (октябрь-март ойлари) 3150 млн. куб метр, вегетация даврида эса (апрель-сентябрь ойлари) 8520 млн. куб метр. Бошқача айтганда, ёзги сув узатиш кўрсаткичи қишдагига нисбатан 2,7 баробар кўп бўлган.

Гидроузелдан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи Қирғизистон Республикаси тасарруфига ўтгач, яъни 1991 йилдан бошлаб эса ҳар йили кузги-қишки (вегетация давридан бошқа даврда) мавсумда омбордан сув чиқариш қўлами кескин кўпайгани аниқ кузатилади. Ўрта ҳисобда куз ва қиш фаслларида омбордан 1991 йилдан 2000 йилга қадар 7400 млн. куб метргача, 2008 йилга қадар эса 8750 млн. куб метргача ортган.

Ёзда, вегетация даврида эса аксинча, 2001-2007 йиллар давомида омбордан сув чиқарилиши 5300 млн. куб метргача қисқарган, яъни вазият айнан тескари тус олган — Тўқтағул гидроузели айни кунда деярли бутунлай энергия ишлаб чиқариш режимида ишлашга ўтган. Қишки ва баҳорги мавсумда шу тариқа катта миқдорда сув узатилиши ер майдонлари ва аҳоли яшаш жойларини оммавий тарзда сув босишига, дамба ва иншоотлар бузилишига, суғориладиган майдонларнинг тузланиши ва ботқоқлашувига олиб келади. Бу ҳол ҳудудда экологик вазиятни жиддий тарзда издан чиқариши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бу ўринда айнан куз ва қишда, электр энергиясига эҳтиёж ортган вақтда энергия ишлаб чиқариш режимига ўтилиши оқибатида Норин дарёсининг табиий оқими ўз қўламидан 2,4-2,6 баробарга ортишининг ўзиёқ, айниқса, йўл қўйилиши мумкин бўлмаган ҳолатдир. Омбордан ўта катта миқдорда сув чиқарилиши 2007-2008 йилларнинг қишки мавсумида рўй берди, бунда сув омборидан чиқарилган сув оқимнинг 5,0 млрд. куб метргача кўпайиши кузатилди, оқибатда Тўқтағулда сув сатҳи кескин камайиб кетди.

Агар сув ҳавзасининг кўп йиллик ўртача сув захираси 1 сентябрь ҳолатига 15 млрд. куб метрни ёки унинг лойиҳавий иш қувватининг 80 фоизини ташкил қилган бўлса, сув ҳавзасининг 2008 йилнинг 1 сентябридаги ҳолати 9,6 млрд. куб метр даражасида бўлиши ёки лойиҳавий иш қувватининг 49 фоизини ташкил этиши кутилмоқда. У ҳолда сув омборининг бўш, яъни «ўлик» қисми 5,5 млрд. куб метрни ташкил қилади.

Бордию, бундай сиёсат халқаро ҳуқуқий меъёрлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, халқаро экспертлар бир овоздан уни трансчегаравий сув йўлларидан фойдаланиш бўйича халқаро меъёрларнинг бузилиши деб баҳолайдилар. Хусусан, Қирғизистон томонидан Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена Конвенцияси (1969 й.), Нукус (1995 й.) ва Алмати (1997 й.)да қабул қилинган Марказий Осиё давлатлари декларацияси, шунингдек, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида имзоланган «Давлатлараро манбаларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш, бошқариш ва муҳофаза қилиш борасида ҳамкорлик тўғрисида»ги Битимга (1992 й.) ҳамда БМТнинг тегишли конвенциялари, хусусан, халқаро дарёлар сувидан фойдаланиш Тартиблари (Хельсинки, 1966 й.), трансчегаравий сув йўллари ва халқаро кўллардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш бўйича Конвенция (Хельсинки, 1992 й.), халқаро сув йўлларидан фойдаланишнинг кемасозликдан ташқари турлари ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1997 й.) талаблари бузиб келинмоқда.

Ҳозирги шарт-шароитда Тўқтағул сув омборининг ирригацион ҳолати меъёрини тиклаш учун камида 6 йил муддат керак бўлади. Хусусан, бунинг учун зарур бўлган сувни аккумуляциялловчи янги резервуарлар қурилиши сув ҳавзасидан қуйида жойлашган мамлакатларга катта зиён келтириши, содда қилиб айтганда, янада каттароқ ва аянчлироқ оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сув ва энергоқувват таъминотида юзага келган аҳволнинг чуқур ва холисона таҳлили бундай қалтис вазиятларнинг олдини олиш ва биринчи навбатда, мавжуд халқаро меъёрлар ва БМТнинг трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланишга оид тегишли Конвенцияларига амал қилиниши, шунингдек, ҳудуддаги давлатлар ўртасида ушбу масалаларга доир тузилган ҳукуматлараро битимларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан энг тезкор чоралар қўлланилиши зарурлигини кўрсатмоқда.

"Экосан" жамғармаси эколог-экспертлар гуруҳи.

Манба: www.geokz.tv

Муносабат: **БОЗОР**боп **КИНО**талқин ёхуд енгил-елпи, саёз мазмундаги киномаҳсулотлар хусусида **2008 йил 30 июль**

УМРИ ҚИСҚА ФИЛЬМЛАР...

Бундай фильмлар кинотанқидчиларни, мутасаддиларни ҳам ташвишга солмоқда


«ЎZBEKKINO» MILLIY AGENTLIGI
«UZBEKKINO» NATIONAL CINEMA AGENCY

Газетамизнинг 2008 йил 30 июль сонида «Бозорбоп киноталқин ёхуд енгил-елпи, саёз мазмундаги киномаҳсулотлар хусусида» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Ушбу мақолада кейинги йилларда ўзбек киноижодкорлари томонидан яратилаётган айрим фильмларнинг мазмунан саёз, енгил-елпи экани, томошабинга маънавий озуқа беролмаслиги хусусида мулоҳаза юритилган эди. Таҳририят ушбу масалалар хусусида мутасадди ташкилот — «Ўзбеккино» Миллий агентлигидан қуйидаги мазмундаги мактубни олди:

«Аввало шуни айтиш керакки, мақолада кўтарилган долзарб масала «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бадиий кенгаши аъзоларини ҳам кўпдан буён қаттиқ ташвишга солиб келмоқда. Шунингдек, бу ҳол санъатшунос олимлар ва кинотанқидчиларнинг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл берилаётгани барчамизга яхши маълум. Бу жараён, айниқса, ўзбек миллий кино санъатида ҳам ўз аксини топаётгани сир эмас. Шу муносабат билан кейинги йилларда кино ва видео ишлаб чиқарувчи хусусий студиялар сони тобора ортиб бормоқда.

Ушбу студиялар томонидан яратилаётган бадиий фильмларнинг айримлари томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинаётгани ҳам муболаға эмас. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан хусусий студиялар ҳамкорлигида суратга олинган «Севгинатор», «Телба», «Паноҳ» сингари бадиий фильмлар томошабинлар, айниқса, ёшлар томонидан илиқ кутиб олинганини ҳам алоҳида тилга олиш жоиз.

Жумладан, ёш, истеъдодли режиссёр А.Ғаниевнинг «Севгинатор» фильми шу йил Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатларининг «Ижодий парвоз» III халқаро ёшлар кинофестивалида Гран-при соҳиби бўлгани ҳам фикримиз нечоғли тўғри эканлигини исботлайди.

Аммо шуни очиқ айтиш керакки, айрим хусусий студиялар томонидан бадиий савияси бўш, давр талабларига жавоб бермайдиган умри қисқа фильмлар ҳам яратилмоқда. Бундай фильмлар ёш авлоднинг тарбияси, дунёқараши ва маънавий юксалишига салбий таъсир кўрсатишини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузурида киношунос ва санъатшунос олимлардан иборат эксперт комиссияси ташкил этилган бўлиб, улар хусусий студиялар томонидан яратилган ҳар бир фильмни кўрикдан ўтказишади. Тақдим этилган фильмлар юзасидан тегишли фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилиб, фильм киноижодкорларига ўз вақтида етказиб борилади.

Мақолада тилга олинган режиссёр Т.Мақсудовнинг «Асал, йигитда гап битта бўлади» фильми ҳам 2007 йили 30 мартда ушбу комиссия кўригидан ўтказилган. Эксперт комиссияси томонидан мазкур фильм ҳам, унинг сценарийси ҳам профессионал талабларга жавоб бермаслиги, ундаги саҳналар, асосан, сунъийликдан иборатлиги камчилик сифатида кўрсатилган. Шундан сўнг фильм ижодкорлари имкон қадар кўрсатилган камчиликларни тўғрилаб, катта экранга олиб чиққан.

Шунингдек, мақолада танқид остига олинган «Кечир» фильми ҳам ўтган йилнинг 11 май куни эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, мавжуд камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган.

Ҳозирги кунда хусусий студиялар томонидан яратиладиган фильмларнинг бадиий савиясини ошириш мақсадида, аввало, фильм учун ёзилган сценарийларни ўқиб, муҳокама қилиш, шундан сўнггина ишлаб чиқаришга рухсат бериш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Яъни тақдим этилган сценарийлар даставвал агентликнинг киносценарийлар тайёрлаш, бадиий ва мультипликацион кино ва видеофильмларни тематик режалаштириш бўлими томонидан кўриб чиқилмоқда. Бу ҳолат келгусида савиясиз, профессионалликдан йироқ бўлган умри қисқа фильмлар яратилишининг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бош директор А.ИСҲОҚОВ».

Наманган вилояти

Қилмиш қидирмиш

Тадбиркор ким? Ишбилармон деган таърифга том маънода кимлар лойиқ? Кўчада одамларни лаққа туширириб, сифатсиз маҳсулотнинг устига бир-икки сўм қўшиб пуллаётган чайковчиларни тадбиркор дея оламизми? Асло! Чунки, нима қилиб бўлса-да моддий манфаат кўришни кўзловчи бундай нафси бузуқ кимсалар ҳатто қонунбузарлик қилишдан ҳам тап тортмайдилар. Оқибатда эса ўз қилмишларига яраша қонуний жазо олишлари муқаррар.

СОХТА МАҲСУЛОТ МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Буни Наманган шаҳри ҳамда Косонсой, Мингбулоқ, Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон туманлари бозорларида ҳар хил клиплар, хорижий кинофильмлар ёзилган қалбаки ва сифатсиз CD ва DVD дисклар савдоси билан шуғулланиб келган 17 нафар кимсанинг мисолида кўриш мумкин. «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деб бежизга айтилмаган. Ушбу сохта тадбиркорлар сотаётган, сифат сертификати бўлмаган, энг ачинарлиси, ахлоқсизликни тарғиб этувчи 2385 дона диск мусодара қилинди. Яқинда Наманган вилояти ҳокимлигида ишлаб чиқилган ҳаракат дастурига биноан, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида мониторинг ўтказилди.

Текширувлар жараёнида фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир этувчи тунги клублар, видеосалонлар, интернет кафелар фаолияти таҳлил қилиниб, уларда маънавиятимизга зид бўлган кинофильмларнинг намойиш этилиши ва ахлоқсиз фильмлар туширилган сохта дисклар савдоси каби ҳунук ҳолатлар аниқланди.

Косонсой туманида истиқомат қилувчи М.Шобобоев, Д.Турамов, Х.Розахонов, Қ.Ёқубовлар шу туманнинг «Деҳқон бозори»да тегишли рухсатномасиз дисклар савдоси билан шуғулланганги аниқланиб, уларга тегишли 360 та DVD ва CD дисклари, 1 дона «Самсунг» русумли компьютер тўплами мусодара этилди. Бундай ноқонуний ишлар билан шуғулланган шахсларга эса тегишли маъмурий чоралар кўрилди. Наманган шаҳри 2-кичик тумандаги 3-уйда яшовчи Ю.Хўжаев, Заркент кўчасида яшовчи Ж.Содиқов, Ихлос кўчаси 76-уйда яшовчи Д.Мадраҳимов каби қонунбузар фуқароларнинг ҳар бирига катта миқдорда жарима солинди.

Мирзадавлат ЮНУСОВ, «Mahalla» мухбири.

Хоразм вилояти

Ёшлар журъати

ИСТЕЪДОД БЎЙ КЎРСАТДИ

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ истеъдодли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Ана шу эътибор ва ғамхўрлик туфайли бугун кўплаб ёшларимиз турли соҳаларда ўз меҳнатлари билан фаол иштирок этиб келишмоқда.

Янгиариқлик Саидахон Сапаева ҳам иқтидорли ва изланувчан ёшлардан бири. У мактабда ўқиб юрган кезларда фан олимпиадалари ва ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган, шеърий машқлари эса туман газеталари саҳифаларида чоп этилган. Саидахон айни пайтда ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ўзбек филологияси факультетининг 3-босқич талабаси. У устозларининг кўмагида адабиётшуносликка оид қатор илмий мақолалар эълон қилди. Ёш тадқиқотчининг мақсади ўз ижоди ва илмий изланишлари билан маънавиятимиз тараққиётига ҳисса қўшишдир.

— Йиғинимиз ҳудудидаги маҳаллаларда иқтидорли ва истеъдодли ёшлар кўп, — дейди Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Озод Абдуллаев. — Улар маҳалла ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, тенгдошларига ўрнак бўлишмоқда. Саидахон Сапаева ҳам ана шундай истеъдодли ёшларимиздан. У маҳалла фаолларига турли тадбирларни ташкил этишда яқиндан ёрдам беради, шеърларидан намуналар ўқиб, давраларга файз киритади. Саидахон сингари ёшлар ҳамқишлоқларимизнинг фахри, десак, асло муболаға бўлмайди.

МУХБИРИМИЗ

Бухоро вилояти

Замонавий қулайлик

ҲОМИЙЛАРНИНГ ЧЎЛҚУВАРГА ТУҲФАСИ

Қоровулбозор туманидаги Чўлқувар маҳалласи фуқаролар йиғинининг биноси Қоровулбозор нефть ва газ қидирув экспедицияси корхонаси ҳомийлиги да капитал таъмирдан чиқарилди.

Эндиликда маҳалла мутасаддилари замонавий техника воситалари билан жиҳозланган кўркам бинода ишлаш имкониятига эга бўлдилар. Қаровсиз ётган бинони таъмирлаш учун корхона ҳисобидан 15 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси идорани компьютер ва мебель жиҳозлари билан таъминлашга кўмаклашди. «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими томонидан эса маҳалланинг янги биноси учун кўргазмали ва тасвирий воситалар тайёрланди.

— Илгари маҳалламиз идорасида йиғин ходимлари учун хоналар етарли бўлмагани туфайли фаолиятимизда ноқулайликлар туғилаётган эди. Янги бинода эса фаолиятимизни намунали тарзда йўлга қўйиш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди йиғин раиси Ўктам Хайриев.

Маҳалла ҳудудидаги бошқа корхоналарнинг ҳам йиғин фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътирофга лойиқ. Жумладан, «Муборак нефть ва газ қурилиш монтаж» трестига қарашли 5-вакиллик корхонаси ўз ҳисобидан 500 метр узунликдаги газ қувурини ўтказиб, фойдаланишга топширган бўлса, «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» жамияти ҳудуддаги кўчаларни таъмирлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Маҳалла мутасаддиларининг истиқболдаги режалари бисёр. Хусусан, яқин кунларда маҳалла фуқаролар йиғини бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик корхонаси ташкил этишни режалаштирмоқда. Айни пайтда мазкур корхона учун 2 миллион 100 минг сўмлик 6 та тикув машинаси келтириб ўрнатилди. Корхонанинг ишга туширилиши мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида чўлқуварликлар учун яна бир туҳфа бўлади.

Сурхондарё вилояти

ЧОРИ АКАНИНГ ПАЛЬМАЛАРИ

Чори Чўтпўлатов Жарқўрғон туманининг Меҳнат-роҳат маҳалласида истиқомат қилади. У кўп йиллар агроном бўлиб ишлаган, ҳозир эса нафақага чиқиб, томорқасида турли гуллар, пальма кўчатини ўстириш билан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда Чори ака уста гулчига айланган. Томорқасида минг тупдан зиёд пальма кўчатлари баравж ўсмоқда.

СУРАТДА: *Чори Чўтпўлатов неваралари билан пальмазорда.*

И.ХЎЖАЕВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Андижон вилояти

Кўрик-танлов якуни

БАЛИҚЧИДА ҲУНАРМАНДЛАР БЕЛЛАШДИ

Мустақиллик шарофати билан юртимизнинг деярли барча гўшаларида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Балиқчи туманида жойлашган қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари авжида. Жумладан, Чинобод қишлоғида «Водий» умумий овқатланиш мажмуаси, Бўстон қишлоғида ака-ука Раҳматуллаевлар томонидан бунёд этилган соғломлаштириш маркази, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳаллаларда қад ростлаётган кўркам иншоотлар мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан маҳаллалар аҳлига муносиб туҳфа бўляпти.

Бу борадаги хайрли ишлар сарҳисоби сифатида «Андижонни обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик» кўрик-танлови ташкил этилиши маҳаллалар ободлигини таъминлаш ва аҳоли турмушини янада фаровон этишга замин яратмоқда. Ўтган йили мазкур кўрик-танловда балиқчиликлар ғолибликни қўлга киритганди. Яқинда ушбу кўрик-танловнинг якунловчи босқичи тумандаги Учбулоқ оромгоҳида ўтказилди.

Кўрик-танловда халқ ҳунармандлари ўзлари тайёрлаган турфа хил маҳсулотлар билан иштирок этишди. Иродахон Нурматова, Гуласал Назарова тиккан зардўзлик либослари, Рўзибой Холиқов тайёрлаган мебель жиҳозлари, «Мафтункор ранглар жилоси» танлови ғолиби Ёдгорой Мақсудова чизган тасвирий санъат асарлари, Дилафрўз Ҳабибуллаеванинг раққосалик маҳорати тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

Наманган вилояти

Чуст туманида фаолият кўрсатаётган Баймоқ маҳалласи таркибидан янги маҳалла ажралиб чиқди. Янги маҳаллага Истиқлол деб ном берилди. Янги йиғин учун алоҳида бино ажратилиб, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан иш жиҳозлари билан таъминланди.

ЧУСТДА ЯНГИ МАҲАЛЛА

унга ИСТИҚЛОЛ деб ном берилди

Шу пайтгача Баймоқ маҳалласи ҳудудида 3241 нафар фуқаро истиқомат қилаётган эди. Кейинги йилларда аҳоли сонининг бирмунча кўпайиши янги маҳалла ташкил этилишига сабаб бўлди.

— Фуқароларимизнинг оғирини енгил қилишда, уларнинг муаммоларини етарлича ҳал этишда бироз қийинчиликлар туғилаётганди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси О.Нуриддинов. — Эндиликда янги маҳалла ташкил этилиши билан 2032 нафар аҳоли истиқомат қилаётган ушбу масканда аҳолининг муаммоларига ечим топиш учун етарли имкониятлар яратилди. Шунингдек, янги маҳаллада аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ошхона, тегирмон, савдо дўконлари ва бошқа бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган.

МУХБИРИМИЗ

Фаолият эътирофи

ИШЧИ ЎРНИ ИККИ БАРОБАРГА ОРТАДИ

Бундан бир неча йил аввал Ромитан тумани Ибн Сино номидаги маҳаллада яшовчи Анваржон Азимов ўз тадбиркорлик фаолиятини битта тикув машинаси билан бошлаган эди. Бугун эса уни туманда кўпчилик йирик тадбиркор сифатида яхши танийди.

Дастлаб тикувчилик ва суратқашлик фаолиятини йўлга қўйган Анваржон кейинроқ кичик корхона ташкил қилди. Ҳозирда тадбиркор бошқараётган "Ромитан Akfa Lux" номли фирмада 10 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Эндиликда, корхонанинг фаолият кўлами кенгайиб, пластик хом ашёсидан замонавий дераза ва эшик рамларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Тиниб-тинчимас тадбиркор бу билан чекланиб қолмасдан, айни пайтда "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан 30 миллион сўм миқдорида кредит олиб, ушбу маблағ эвазига Туркиянинг "Turica!" фирмасидан замонавий тикув машиналари сотиб олиш ҳамда ишчи ўринларни икки баробарга оширишни режалаштирмоқда. Бу эса яна ўнлаб кишиларнинг иш билан таъминланишига имкон яратади.

Ҳамроз АЛИ, "Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *Корхонанинг моҳир тикувчиси Холида ЖЎРАЕВА.*

Кексаларнинг ўгити — ИБРАТ

— Инсон кексайгани сари ҳаёт уни донишмандга айлантириб қўяр экан, — дейди вилоятда фаолият юритаётган «Нуроний устоз» фахрийлар кенгаши раиси Қўшбой Азаматов. — Қариси бор уйнинг париси бор, деган мақол ушбу ҳаётий ҳақиқатга яққол тасдиқ.

Шу сабабдан кенгашимиз вилоятда яшовчи педагог фахрийларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг ҳаётий ва таълим-тарбия соҳасига доир бой тажрибасини ёшларга ибрат сифатида оммалаштиришга ҳам кўмаклашмоқдалар. Натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кенгашимиз ташаббуси билан вилоятнинг турли ҳудудларида «Уч авлод учрашуви», «Кексалар билан бир пиёла чой устида суҳбат», «Педагог изи — ибрат», «Кексалар ўгити — ўқувчига» мавзуларида турли тадбир ва учрашувлар ўтказилди.

Ўн икки йилдирки, вилоятда фаолият юритиб келаётган мазкур жамоат ташкилотининг асосий вазифаси кексалик гаштини сураётган педагог-фахрийларни ижтимоий ва моддий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш каби хайрли юмушлардан иборат. Бугун маҳалла ёшлари қалбида она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини жонлантириш, улар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда фахрийларнинг ҳаётий тажрибалари алоҳида ўрин тутади.

«Нуроний устоз» кенгаши кекса педагог ва мураббийларнинг ҳолидан хабар олишни асло канда қилмайди. Хусусан, мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида уларга моддий ва маънавий жиҳатдан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилаётир. Айни кунларда кенгаш аъзолари бўлган бир гуруҳ фахрийлар ёшлар кўмагида маҳаллаларда ҳашарлар ташкил этишга бош-қош бўлишяпти.

— Ҳар йили кенгашимиз ғазнасини шакллантиришда ҳомийларнинг кўмаги катта бўлади — дейди Қўшбой Азаматов. — Боёвут ва Сардоба туманларидаги фермерлар Турдибек Сарибоев, Мавлонбек Исмоилов, Бозорбой Исмоилов, Мирзаобод, Сардоба ва Боёвут туманлари халқ таълими бўлимлари мудирлари А.Мамарасулов, А.Шукуров, К.Исмоилов ҳамда 69-мактаб-интернат директори А.Ҳотамовлар ана шундай саховатпеша инсонлардан. Қолаверса, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам бизни қўллаб-қувватлаб турибди.

Дарҳақиқат, кексаларнинг ўгити — кўпга ибрат. Шу боис, улар доимо ёшларимизни ўз ҳаётий тажрибалари асосида тўғри йўлга бошлашдан асло толмайдилар. Зеро, қари билганни пари билмас, деган мақолда ҳам ҳикмат кўп.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

Сирдарё вилояти

Истеъмолчига ЭСЛАТМА!

«...Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт...»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасидан.

Ажабо!

44 МЕТРЛИ СЭНДВИЧ

Мексикаликлар Лотин Америкасидаги энг узун, яъни 44 метрли сэндвични тайёрлашди.

Уч кун мобайнида давом этган газак ва пиширқлар фестивалида мехиколик ўнлаб сэндвич сотувчилари 5 дақиқа ичида мазкур бутерброднн тайёрлаб, унга турли зираворлар билан безак беришди.

Бундай катта ҳажмдаги сэндвични тайёрлаш учун минг дона нон бўлаги, юзлаб литр майонез ва қайла ҳамда жуда кўп миқдорда пиёз, салат ва томат маҳсулотлари ишлатилди. Оғирлиги 600 килограммга тенг бўлган ушбу сэндвич ўтган йилги ярмаркада «фастфуд» сотувчилари томонидан тайёрланган сэндвичдан қарийб бир метр узундир.

Олимларнинг тахминларига кўра, ҳали фанга номаълум бўлган ушбу топилма тиранно-заврларнинг қадимги турларидан биридир.

ЭНГ ҚАДИМГИ ТОПИЛМА

Польша ҳудудидан топилди



Унинг суяк қолдиқлари ёши тахминан 200 миллион йилга тенг, шу боис у ер куррасидаги энг қадимий топилма, дея баҳоланмоқда.

Мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда, мазкур динозаврни тиронназаврлар синфининг илк вакилларидан бўлган дея тахмин қилиш мумкин. Унинг бўйи 5 метр бўлиб, орқа оёқларида ҳаракатланган, бир дона тишининг узунлиги эса 7 сантиметрни ташкил қилган.

ҲАР ШОХИДА ҲАР МЕВА

Японияниг Фукуока шаҳрида истиқомат қилувчи 71 ёшли боғбон Манабу Фукусиманинг боғида ўзига хос лимон дарахти ўсади.

Гап шундаки, биргина ушбу дарахтда 11 хил цитрус мевалари етиштирилади. Улар орасида лимоннинг бир неча туридан ташқари, декопон, хассаку апельсини, ийойян, аманацу, баннпейко деб номланувчи цитрус мевалар ҳам бор.

Фукусима цитрус меваларнинг янги турларини яратишга анча йиллар аввал киришган эди. Унинг бу саъй-ҳаракатлари орадан 15 йил ўтиб ўз самарасини берди.

Мозийдан мерос иншоотлар

САҚИЧ ИЧИДАГИ САРВАТ

Хивадаги Саидниёз Шоликорбой мажмуаси қурилиши учун сарфланган эди

Хива шаҳридаги Саидниёз Шоликорбой мажмуаси 1835-1842 йилларда Оллоқулихоннинг таклифи билан савдогар Саидниёз Шоликорбой ҳомийлигида бунёд этилган. Тарихда "меъмор хон" номи билан из қолдирган Оллоқулихон 17 йиллик (1825-1842) ҳукмронлиги давомида кўплаб иншоотлар барпо қилдирган. У Саидниёз Шоликорбойни маърифатли инсон ва маслакдош сифатида ҳурмат қилган.

Саидниёз Шоликорбой мажмуасида бир йўла 500 киши намоз ўқиши учун мўлжалланган масжид, 10 та ҳужралик мадраса ва баландлиги 29,5 метр бўлган минора мавжуд. Муҳими, ушбу мажмуанинг қурилиши билан боғлиқ қизиқарли ва ибратли тарихи бор.

Маълумотларга қараганда, Саидниёз Шоликорбой савдо-сотиқ ишлари билан чет мамлакатларга тез-тез сафарларга борган. Оренбургга қилган сафарларидан бирида турли-туман моллар билан бирга Турк афанди совға қилган қора сақични ҳам олиб келган. Келтирилган моллар қисқа фурсат ичида маҳаллий савдогарларга сотилиб, қора сақичга бирорта ҳам харидор чиқмайди. Савдогар ўтмай қолган матоҳни бўлаклаб, омборхонага киритиб қўймоқчи бўлади. У қўлига болтани олиб, сақичга зарб билан уради. Болтанинг тиғи қаттиқ нарсага тегиб, орқага қайтади. Ҳайрон бўлган савдогар бир амаллаб сақични бўлакларга ажратади. Қарасаки, сақичнинг ичига олтин тангалар тўлдирилган темир сандиқча яширилган экан. Саидниёзбой бу бойликлар бировнинг ҳақи эканини ўйлаб, воқеани аҳли оиласидан ҳам сир тутади.

Тиллаларнинг эгаси ким, улар қандай қилиб менинг қўлимга тушиб қолди, деган ўй унга тинчлик бермай қўяди. Ўйлай-ўйлай, Турк афандига мактуб йўллашга қарор қилади. Хатда Турк афанди ҳадя қилган сақич ичидан бир сандиқ тилла танга чиққанини, омонатни ўзи Оренбургга борганида, албатта, унга етказишини батафсил ёзиб юборади. Хатни карвон орқали жўнатади.

Савдогар карвон қайтиб келишини ва хатнинг жавобини интизорлик билан кутди, чунки уйидаги эгасиз омонат унга бир зум ҳам тинчлик бермас эди. Унинг имони шу қадар мустаҳкам эдики, тиллаларни ишлатиш тугул, санаб ҳам кўрмайди. Ниҳоят, узоқ кутилган карвон Турк афандининг жавоб мактубини олиб келади. Унда шундай сўзлар битилган эди: "Дўстим Саидниёз! Сизнинг имонли, диёнатли инсон эканлигингизга яна бир бор амин бўлдим. Мен сизга ичи тўла тилла тангалар бўлган сандиқ бермаганман, фақатгина қора сақич ҳадя этганман. Яъни сандиқ ва тангалар меники эмас. Менимча, сандиқни сақич ичига Дашти Қипчоқ қароқчилари яширган бўлсалар керак. Демак, бу сандиқ уйингизга яратганнинг иноята ила бориб қолган, деб ўйлайман ва уни яхши амаллар йўлида сарф қилишингизга ишонаман".

Турк афандининг жавобидан ҳайрон бўлган Саидниёзбой воқеани меъмор дўсти уста Қаландарга сўзлаб бериб, ундан маслаҳат олмоқчи бўлади. Кейинроқ воқеадан Оллоқулихон ва сарой аъёнлари ҳам хабар топишади. Қушбеги хондан бесўроқ сандиқчани олиб қўяди, устига устак Саидниёзбойни Русиянинг жосуси сифатида айблаб, қамоққа олади. Энг ишончли маслаҳатчисидан бундай ишни кутмаган хон аркони давлат олдида "айбдор"ни сўроқ қилади. Саидниёзбой бўлиб ўтган воқеаларни рўй-рост сўзлаб беради. Турк афандининг жавоб хатини далил сифатида кўрсатиб, сўзининг якунида тиллаларни хонлик хазинасига топширажагини айтади. Хон унинг гапларига ишонч ҳосил қилиш учун "Сандиқда нечта тилла танга бор?", деб сўрайди. Шунда қушбеги ундан олдин "1500 та", деб юборади. Саидниёзбой эса "Шайтон васвасасидан қўрқиб, тиллаларга қўл урмадим", дейди. Воқеани диққат билан кузатиб, натижасини ҳаяжон билан кутиб турган мулозимлар хоннинг "Саидниёз, ғойибдан келган тиллаларни сиз кичкина оилангиз эҳтиёжи учун ишлатишга яратганнинг ва виждонингиз олдида истиҳола қилиб турганингизда, мен юрт хазинасини булаштирайму?", деган сўзларидан лол қолишади. Оллоқулихон бироз ўйланиб тургач, "Сизга масжид қуришга изн бераман, аммо унинг минораси Жума масжид минорасидан паст бўлсин. Тиллаларни шу қурилиш учун ишлатинг", дея амр қилади ва масжид қуриладиган жойни белгилаб беради.

Масжид қуриладиган жой эри ва фарзанди урушда ҳалок бўлган Ҳовважон момонинг ҳовлиси ўрнига тўғри келган экан. Момо турмуш қийинчиликларини кўраверибдийдаси қотган, серзарда кампир эди. Саидниёзбой унинг олдига бориб, муддаони ётиғи билан тушунтиради. Аввалига рўйхушлик бермаган кампир бир неча кундан сўнг ўзи савдогарнинг олдига келиб:

— Ўғлим, бу дунёда менинг ҳеч кимим йўқ. Мен ҳовли-жойим ўрнига сиздан ҳеч нарса сўрамайман, фақат бир шартим бор: ўлганимдан сўнг жасадим шу масжиднинг бир чеккасига дафн этилса. Шу шартга рози бўлсангиз, ҳозироқ уйимни топшираман, — дейди.

Саидниёзбой мол-дунё, данғиллама иморат сўрамаган, охиратини ўйлаб, савоб иш қилмоқни дилига туккан момонинг шартларига рози бўлади. Тез орада масжид, минора ва мадраса қуриб битказилади. Ҳозир масжид ҳовлисида ёнма-ён жойлашган қабр бор. Булар Ҳовважон момо ва Саидниёзбойнинг қабрларидир. Сотим Авазнинг "Мурувват чоғи" китобида ҳам ушбу воқеаларга оид тафсилотлар келтирилган.

Вақт ва табиат ҳодисалари таъсирида Саидниёз Шоликорбой мажмуасининг пишиқ ғиштдан тикланган минораси ҳозирги кунда шимолий-ғарбий томонга 1,07 метрга оғганлиги, техник ҳолати қониқарли эмаслиги аниқланди. Тарихий обидани таъмирлаш ва келажак авлодларга етказиш мақсадида Хоразм Маъмун академияси илмий ходимлари зарур хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқмоқдалар.

Гавҳар ДУРДИЕВА,
Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими.

Наманган вилояти

Умиднинг ғалабаси

Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида от спорти бўйича жаҳон чемпионатининг III босқич саралаш мусобақалари ниҳоясига етди. Россия, Украина, Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби 17 та давлат терма жамоалари иштирок этган мазкур мусобақада наманганлик спорт устаси Умид Комилов ўзининг ажойиб ғалабаси билан жамоадошлари орасида пешқадамлик қилди.

Умид «Риосакроменто» лақабли оти билан 1 метр 50 сантиметрли тўсиқлардан моҳирона сакраб, жарима очколарисиз маррага етиб келди. От спорти саралаш ўйинлари якунида энг яхши натижага эришган Умид фахрли биринчи ўринга кўтарилди.

От спорти мухлисларига шуни ҳам маълум қилмоқчимизки, саралаш ўйинларининг 1-босқичи Бишкек шаҳрида, 2-босқичи эса мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтказилиб, ҳар икки беллашувлар якунида Наманган от спорти клуби тарбияланувчиси Умид Комилов фахрли учинчи ўринни банд этганди. Остонадаги ғалабадан сўнг, Умид Комилов Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўртасида энг муносиб деб топилди ва келаси йилда бўладиган жаҳон чемпионати мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди. Унинг улкан ғалабасида устози, халқаро тоифадаги спорт устаси Сергей Шмелёвнинг катта ҳиссаси бор.

СУРАТДА: *жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритган наманганлик Умид Комилов.*

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Таъбимиз, табиатимиз...

АЗА баҳона БАЗММИ?!.

Ёхуд маъраканинг тўйдан фарқи хусусида

...Илгари қишлоқларда тўйга айтиш учун уйма-уй юрилмасди. Доира, карнай-сурнай овози чиқдими, одамлар бир-бирини хабарлаб, ўша томонга бораверарди. Ҳозир ундай эмас. Кўпчилик атайин айтилмаса, девор-дармиён қўшнисиникида вадаванг тўй бўлса ҳам, чиқмайди. Ҳа, юр, қўшничилик десанг, «Мени айтмаган, неудобна», — дейди.

Дунёдаги халқлар ичида биздек ошхўри йўқ бўлса керак. Тўғри, гуруч дастлаб Японияда ёки Кореяда пайдо бўлгани ҳақида эшитганмиз. Лекин ошнинг ватани бизнинг юрт. Фарзанд кўрса ҳам, тўй қилса ҳам, ўлик кўмса ҳам ош беради. Ўлим-ку ҳар банданинг бошида бор, лекин тўйларнинг ҳам тури кўп-да: ақиқа тўйи, мучал тўйи, хатна тўйи, қиз тўйи, чарлар, куёв оши, гаштак... Энди маъракаларимизни санаймиз — уч, етти, йигирма, қирқ, қор ёғди, лайлак келди, хотин оши, йил ва ҳоказо. Хуллас, хурсандчиликка ҳам, кулфатга ҳам топган чорамиз — ош бериш ёки ош ейиш.

Ҳ. Содиқов чизган расм

Бечора марҳумнинг таъзияси бир йилгача ошхўрликка баҳона десак, муболаға бўлмас. Тириклигида тансиқ неъматларга оғзи етмаган, фарзандларидан қадр-қиммат топмаган бечора ўлганидан кейин кўрсатиладиган иззат-икромни тасаввур қилса борми? Баъзан шундай ҳолга гувоҳ бўлиш мумкин: отаси тириклигида ундан хабар олишга вақти тиғизлик қилган ўғил ёқасини йиртгудек нола қилади: «Вой, ғамгузорим отам, меҳрибоним отам! Суянган тоғимдан, ишонган қўрғонимдан айрилдим. Мени кимларга ташлаб кетдингиз, ота...» Ота уни кетма-кет маърака-маросиму гала ошхўрларга ташлаб кетган бўлади. Ўғил отасини айтиб-айтиб йиғлайди-ю, миясида маъракага қанча гуручдан ош дамлаш, қайси бир фалончи-фалончиларни ошга айтиш, қанча сарф-харажат қилиш, кимдан қарз-ҳавола кўтариш ҳақидаги ўйлар ғужғон ўйнайди. «Юз кило гуруч дамласам етадими?» сўрайди у маҳалла-кўй оқсоқолларидан. Кайвонилар «Энди, ўғлим, отангиз яхши одам эди, ҳар қанча иззатини қилсангиз арзийди. Лекин мусулмончиликда фалонча деган тамойил йўқ, ҳар на қилсангиз савоби тегаверади. Қолаверса, исрофгарчиликдан сақланиш керак, бунинг хосияти йўқ», дейишади. Бундай маслаҳатга қулоқ иладиган мардлар негадир камроқ. Юз кило гуруч дамланишини қўяверинг, қишнинг чилласида дастурхонга узумдан тортиб, анору анжиргача, Кубанинг мангосию Арабистоннинг хурмосигача, Голландиянинг қулупнайигача қўйилади. Мабодо, ўша пайтда ота тирилиб келиб, дастурхондаги ноз-неъматларга кўзи тушганида: «Ўғлим, шу харажатларни маъракамга эмас, ўзимга сарфлаганингда яна анча йил яшаган бўлармидим», — дерди ёки юраги ёрилиб яна ўларди. Ўғилга эса ошна-оғайни, фалончи акахонлари олдида обрў олса, бўлгани.

Ошхўрлар паловдан бош кўтармай мақташади: «Оммо, оши ҳам ўзидай ширин бўпти бояқишнинг, ол, тагида қолмасин, арвойи шод бўлади. Ўлсанг, шундай мартабанг бўлса, ўлиш ҳам шараф», дея орзуманд ҳам бўлишади. Дастурхон тўкинлиги, меҳбонларнинг, яъни азадорларнинг «олинг-олинг» мулозамати худди тўйдагидек, фақат ўйин-кулгу йўқ, холос. Ахир, тўй ўз номи билан тўй. Бундай шодиёнада, тантанали кунда тўкин дастурхон тузалиши табиий. Лекин бир одамнинг таъзияси муносабати билан ошхўрлик қилиш, кетидан сархил ноз-неъматлардан бўккунча еб, кекириб ўтириш... инсонийликка иснод эмасми? Азадорлар ҳам яқин одаминнинг ўлими учун элга қайта-қайта тўкин дастурхон ёзиш хурсандчиликка менгзаб кетишини наҳотки ўйламасалар?!

...Икки ошна каллайи саҳарлаб тўй ошига бориш учун йўлга чиқишибди. Манзилга яқинлашгач, куй-қўшиқ эшитилаётган томонга қараб юришибди. У кўчага боришса, қўшиқ бу томондан, бу кўчага боришса, бошқа томондан эшитилар эмиш. Охири ҳориб-чарчаб, кўп одам йиғилиб турган жойга таваккал қилиб киришса, бировнинг «қирқи» бўлаётган экан. Икки ошна тўйхонани ортиқ ахтаришга ҳоли келмай, «Ҳа, тўйда ҳам шу ош, маъракада ҳам шу ош-да», деб роса ошхўрлик қилишибди.

Халқимизда «Палов бўлса, Фармонтепа нима йўл» деган ибора бор. Гуррос-гуррос оломон каллайи саҳарлаб, ош ейиш учун шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасигача улоқишади. Биров тўйга, биров маъракага, фақат ош ейиш учун. Саҳарлаб икки киши учрашиб қолса, бирови: «Фалончи ўлибди. Ошга боряпман» деса, иккинчиси «Фалончи тўй қилаётган экан, шунга юра қолинг», — дейди.

Наҳорда ош бериш шаҳарнинг одати эди. Эндиликда қишлоқларда ҳам наҳорги ош одат бўлган. Наҳор дегани, ёзнинг ёруғ кунида саҳарги соат тўрт ярим, беш. Бу пайтда ош еб, ошқозон оғриғига мубтало бўлаётганлар қанча?! Наҳорги ошга борилгач, кун бўйи мудраб, ҳолсизланиб юришни айтмайсизми?

Бир қарашда бу мулоҳазалар ношукрликка ўхшаши мумкин. Қолаверса, кўпдан қолмайлик, деб ўзимиз ҳам элнинг тўйу маъракасида ошхўрлик қилиб юрганлардан биримиз. Лекин барибир арзирли-арзимас баҳонаи сабаб ош дамланавериши, шодиёнами, азами фарқига бормай ошхўрлик қилаверишимиз айб эмасми? Вақти тиғиз, ўта бандларимиз ҳам ош деганда шундай уюшқоқмизки! Қани энди, театрга, кинога, маданий тадбирларга ошга боргандек гуррос-гуррос бўлиб борсак. Фалон жойга янги китоб келибди, деса ҳамма ўша томонга ошга ошиққандек ошиқса. Фалон газета ёки журналда мана бундай мақола чоп этилибди деганда, обуна мавсуми бошланганда, ошга отлангандагидек чопа-чоп бўлса. Шундай бўла олармиканмиз-а, ошхўр биродарлар?..

Нурилло ОСТОНОВ,
журналист.

Донолар бисотидан

Ҳар бир ишдан фойда кутганингда, уни бажаришда қийинчиликлар ва иккиланишлар пайдо бўлса, машаққати озроқ томонига куч бер, қийинчилигидан эзилмаслик чорасини кўр...

Нодон ўгитида хато бўлиши муқаррардир; душман ўгитида алдов бўлиши шубҳасиздир. Биринчисига алданма, иккинчисига ўзингни алдатма.

Алишер НАВОИЙ

Ўзини ўз табиий моҳиятида муносиб намоён қилмоқлик комиллик белгиси ва деярли илоҳий сифат белгисидир. Биз одатда ўзлигимиздан қочиб, бошқача одам бўлишга интиламиз ва аслида нималарга қодирлигимизни билолмай ўтиб кетамиз.

МОНТЕН

Яшашга ва эркинликка ҳар куни улар учун курашувчи одамгина лойиқдир.

ГЁТЕ

Утерянный план квартиры по адресу г.Ташкент массив Чиланзар — 12-65-124 выданный ПЖИ Учтепинского (бывший А.Икрамовский) р-на на имя Воробьевой Елены Анатрольевны в 01.07.2002 году считать недействительной.

ЧП «SARDOR DIPLOMANT» С.Рахимовского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 2500000 сум до 100000 сум. Телефон: 248-71-98.

Утерянные кадастровые документы зарегистрированные за номером 10100603030027 (номер реестра 10/468/2007) выданные ПФФ ООО «MEDIOFARM» (код ОКПО 15098648) С.Рахимовского р-на г.Ташкента считать недействительным.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Қовоқ уйиб юриш сизга ярашмаслигини ўзингиз ҳам биласиз, албатта. Қолаверса, тунд қиёфа билан бирор ишни битириш амри маҳол. Шундай экан, хулоса ясаш ўзингизга ҳавола.

СИГИР(22.04-20.05)

Яқин кунларда меҳмон кутишу меҳмонга бориш-дан бўшамай қолганингиз муҳим ишларни битиришда панд бериши аниқ. Вақтингизни тақсимлашда фақат ўз манфаатингизни кўзламаганингиз дуруст.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Ҳамкасбларингиз, яқинларингизнинг ишончи сиз учун ҳамиша муҳим бўлиб келган. Лекин ишонч қозонишга уриниш баробарида ёлғон-яшиқ ваъдалар беришдан сақланинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Катта режалар тузяпсизу, лекин саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолардан кўз юмишга ҳаракат қиляпсиз. Тансиҳатлик бўлмаса, ҳар қандай режа чиппакка чиқишини ёдингиздан чиқардингиз, шекилли...

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ёз бўйи ҳордиқ чиқаришга улгурмадим, дея қайғурманг. Шу кунларда дам олишга вақт ажратишга, оилангиз даврасида кўпроқ бўлишга эришасиз. Якшанбани табиат қўйнида ўтказинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ким нима деса, десину сиз ўз билганингиздан қолманг. Уй-жой билан боғлиқ масалаларда, айниқса, ўз билимингизга кўпроқ ишонинг. Бировларнинг маслаҳати доимо ҳам фойдали бўлавермайди-ку, ахир...

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Сиз учун одатдагидек, бир меъёрда ўтаётган кунларга бироз мамнунлик, хурсандчилик киритишни истайсиз, албатта. Қолаверса, бунинг сира қийин жойи ҳам йўқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ечими сизни жуда қийнаётган масала юзасидан кутилмаганда қадрдон кишингиз ёрдамга келиши мумкин. Ҳаммаси яхши, лекин миннатдорчилик билдиришни унутмасангиз бўлди.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ота-она ва фарзандлар муносабатида вақти-вақти билан юз бериб турадиган чалкашликларда ким кимга ён босиши муҳим эмас. Муҳими, оиладаги илиқ муносабатлар сақлаб қолиниши. Бунга яқин кунларда яна бир ишонч ҳосил қиласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Сиз учун яқин кунларда бош масала иш, иш ва яна ишдир. Меҳнатининг роҳатини кўрган бахтиёр инсонлар қаторига ўзингизни ҳам қўшсангиз бўлади. Меҳнатсеварлигингиз муносиб баҳоланади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Уй юмушларида оила аъзоларингизга ёрдам бериш-дан бош тортманг, чунки бошқа юмушларга сарфлаган вақтингиз барибир бесамар кетиши мумкин. Қутилмаган сарф-харажатдан оғринманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Касбий фаолиятингиздаги бир хиллик меъданингизга теккандек туюляпти-ми? Агар шундай бўлса, ўз ҳисобингиздан бўлса ҳам таътилга чиққанингиз, спорт билан шуғулланганингиз маъқулроқ.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: Муҳаббат Боймуродова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 13 август
33 (635)

11951 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 Топширилди — 22.30
1 2 3 4 6